



halol.uz

**Истанбулда ҳалол маҳсулотлар
кўргазмаси**

Истанбулда 25-28 ноябрь кунлари VII Жаҳон ҳалол маҳсулотлар саммити ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) VIII Halal Expo кўргазмаси бўлиб ўтади. Тадбир ташкилотчилари Ислом савдони ривожлантириш маркази (ICDT) в Ислом мамлакатлари стандартлаштириш ва метрология институти (SMIIC) ҳисобланади.

«Анадолу» агентлиги ҳалол маҳсулотларни сертификатлаш бўйича Halal Accreditation Agency агентлигига таяниб хабар беришича, Halal Expo кўргазмаси ҳалол маҳсулотлар соҳасида энг йирик ходиса ҳисобланади.

Тадбир ҳалол сертификатга эга маҳсулотлар савдоси ҳажмини ошириш, янги бозорларга чиқишни таъминлаш ва ушбу соҳадаги тенденцияларни яқиндан кузатиш мақсадида ташкил этилади.

Бу йил Halal Expo Истанбулдаги Конгресс-марказда: «Янги даврнинг янги меъёрлари: халол махсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг ажралмаслиги» шиори остида ўтказилади. Истанбулдаги халол махсулотлар кўргазмасида 25 мамлакат вакиллари иштирок этади.

Кўргазма билан параллел равишда VII Жаҳон халол махсулотлар саммити бўлиб ўтади. Тадбир ташкилотчилари сифатида SMIC, Туркия савдо вазирлиги ва НАК, шунингдек, манфаатдор ташкилот ва муассасалар иштирок этади. Тадбирнинг боришини онлайн-режимда ҳам кузатиш мумкин.

Саммитнинг мақсади ИХТга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамжихатлик ва ҳамкорликни мустахкамлаш, шунингдек, халол сектор ҳақида хабардорликни ошириш ва аъзо бўлмаган давлатлар билан алоқаларни мустахкамлашдан иборат.